



Қарорлар ижроси нега таъминланмасдан қолмоқда?

4



Кадрлар тайёрлаш жаҳон андозаларига мослаштирилади

5



Миллиардерлар сафи 40 фоизга кўпайди

9



Янги қонун: аввал синалади – кейин жорий этилади

10

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 45 (1224)

2019 йил 21 ноябрь

Газета 1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR коддини телефонингиз орқали сканер қилинг



ТИФ МИЛЛИЙБАНКИ: БАРЧАСИ МИЖОЗЛАР УЧУН



Ташқи иқтисодий фаолият "Ўзмилийбанк" Жиззах бўлимининг тўрт қаватли замонавий биносини фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Унда вилоят, шаҳар ҳокимликлари, ТИФ "Ўзмилийбанк" республика бошқаруви раҳбарияти, тадбиркорлар, шаҳар жамоатчилиги вакиллари иштирок этди. Тадбирда ушбу банк вилоят бўлими чорак аср давомида ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришга

салмоқли ҳисса қўшиб келаётгани алоҳида таъкидланди.

Биргина шу йилнинг ўтган даврида банк Жиззах бўлими 49 та лойиҳага 352,7 миллиард сўм кредит ажратди. Ҳозирги кунгача ушбу лойиҳаларнинг 21 таси ишга туширилиб, 2 минг-

дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, банкдан "Арнасой голден текс" масъулияти чекланган жамиятига ажратилган 30 миллиард сўм кредит ҳисобига 323 та иш ўрни яратилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ТУРИЗМ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА

Бугунги кунда туризм, ҳар қайси мамлакат иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатадиган соҳа ҳисобланади. Дунё статистикасига назар солсак, туризм жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 10 фоиздан кўпини ташкил этади. Ушбу соҳада дунёнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 8 фоиздан ортиғи фаолият юритади ва дунё экспортининг 7 фоиздан ортиғи туризм хизматларига тўғри келади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун, қулай иқтисодий ҳуқуқий ва ташкилий шароитларни яратиш, ҳудудларнинг улкан сайёҳлик салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм индустриясини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, туризм бўйича Ўзбекистоннинг ижобий имижини яратиш йўлида ислохотлар амалга оширилмоқда. Соҳа ривожини учун қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

(Давоми 6-саҳифада)

ЯНГИЛИКЛАР ЯРАТИШДА БАРДАВОМ БАНК

Бугунги кунда кўплаб банклар ривожланиш стратегиясини ўзгартириш бўйича ўз маҳсулотлари ва хизматларининг трансформация қилиш устида иш олиб бормоқда. Чунки трансформация – вақт талабидоғи зарурат саналади.



Айни кунда ана шундай жараённи бошдан кечираётган Ипотека-банкда ҳам улкан ишлар қилинмоқда. Айниқса, банкнинг миқдорларга янада қулайлик яратиш мақсадида ташкил этилган янгиликларини унинг янада

тараққий этишига ва миқдорлар сонининг ортишига хизмат қилмоқда.

Яқинда "Ипотека-банк" АТИБнинг Меҳнат филиалида "Халқаро пул ўтказмалари, пластик карталар ва улар орқали амалга ошири-

лаётган ишлар юзасидан" мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди. Унда банк мутасадди ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 3-саҳифада)

ҚАРИЙБ 46 ТРИЛЛИОН СЎМ МАБЛАҒ ИЖТИМОЙ ХАРАЖАТЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА САРФЛАНДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча қўмиталарнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йил 9 ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботи қўриб чиқилди.

Ҳисобот даврида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилгани сақлаб қолинди. Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, Президент ва ҳукумат томонидан белгиланган вазифаларни бажариш Давлат бюджети ижросининг устувор йўналишлари бўлди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти қарийб 361,8 триллион сўмни ташкил этган ҳолда,

ўтган йилга нисбатан 5,7 фоизга ўсди. Мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмаси 31 миллиард 645,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

2019 йил 9 ойлигида Давлат бюджети даромадлари 79 триллион 159,5 миллиард сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 46,2 фоизга ўсди. Ўз навбатида, Давлат бюджети даромадларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 21,9 фоизга етди.

Давлат бюджетининг ўтган 9 ойлиги якуни бўйича харажатлари (давлат мақсадли жамғармаларисиз) 86 триллион 482,4 миллиард сўмни ёки ЯИМга нисбатан 23,9 фоизни ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, Давлат бюджети умумий харажатларининг қарийб 53,2 фоизи, яъни 45 триллион 970,9 миллиард сўми ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун сарфланди.

Хусусан, таълим тизими муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантириш харажатларига Давлат бюджетидан 24

триллион 193,2 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва унинг турмуш фаровонлигини ошириш харажатларига (нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари) 3 триллион 451,5 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасига Давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар миқдори 10 триллион 568,8 миллиард сўмни ташкил этди.

Депутатлар кўзда тутилган ҳар бир вазифа ва топшириқнинг ўз вақтида, сифатли ижро этилиши мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган ҳолда, бу борада ижро масъулиятини янада кучайтириш лозимлигини қайд этдилар.

Қизғин баҳс-мунозарадан сўнг ушбу масала юзасидан қўмиталарнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИГА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР КИРИТИЛДИ?

Шу кунларда юртимиз бўйлаб катта сиёсий жараёнлар, яъни сайлов олди ташвиқот ишлари бошлаб юборилган. Бу эса, ўз навбатида сайлов қонунчилигидаги янгилıklar ҳамда ўзгаришлар ҳақида сайловчиларни яқиндан таништиришга туртки бўлмоқда.



Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг қарори асосида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган "Тарғиботи ойлиги" муносабати билан "Агробанк" АТБ Бош офисида "Сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар – асосий мақсад адолат ва шаффофлик" мавзусида давра-суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шухрат Полванов, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Фарҳод Ишанкулов ҳамда банкнинг раҳбар ва ходимлари шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар жорий йилнинг 22 декабрь куни мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларига сайловлар шунчаки, сиёсий жараёнлар эмас. Балки, халқимизнинг, ёшларимизнинг орзу-интилишларини ўзида ифода этган демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этувчи, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли ҳамда ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.



Шунингдек, қабул қилинаётган қонунлар ва қонунчиликдаги ўзгаришлар, сайлов жараёнидаги янгилıklar ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ
"Агробанк" АТБ Матбуот хизмати
ходими

ТИФ МИЛЛИЙБАНКИ: БАРЧАСИ МИЖОЗЛАР УЧУН

(Бошланиши 1-саҳифада)

Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишларга мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда қулай, тезкор ва самарали молиявий тизимларни жорий этишга эътибор қаратаётган банк бўлими ўз маблағидан ташқари, хорижий молия институтларининг кредит линияларидан ҳам самарали фойдаланмоқда.

Масалан, "Агромир" МЧЖ томонидан интенсив боғ, мева, сабзавот етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган Даштобод логистика марказини ташкил этиш учун 8,4 миллион долларлик лойиҳани амалга оширишга Осийё тараққиёт банки маблағи ҳисобидан 5 миллион долларлик кредит

берди. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан 60 та янги иш ўрни яратилди.

Айни пайтда ушбу банк кредитидан фойдаланиб хориждан замонавий техника ва технологиялар олиб кириб, ўз бизнесини ривожлантираётган, мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатига салмоқли улуш қўшаётган тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётир.

Вилоятда банкнинг вилоят бўлиmidан ташқари, Мирзачўл туман, Жиззах саноат ҳудудий филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда банклар ўртасида ошиб бораётган рақобат шароитида ми-
жозларга қулай ва юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш фаолиятининг энг

муҳим йўналиши сифатида такомиллаштирилмоқда.

– Стратегик режаларимизга мувофиқ ривожланган мамлакатлар банклари тажрибасини ўрганган ҳолда қурилган бино замонавий хизмат технологиялари билан жиҳозланди, – дейди ТИФ "Ўзмиллийбанк" вилоят бўлими бошқарувчиси Акмал Боқиев. – Янги бинода ми-
жозларга сифатли хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар мавжуд. Бўлимимиз жамоаси яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб ми-
жозларга янада тезкор ва сифатли хизмат кўрсатади.

Янги бинони фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали тадбирда Жиззах вилояти ҳоқими Эргаш Солиев сўзга чиқди.

“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК”


“ЙИЛ КАШФИЁТИ” НОМИНАЦИЯСИ ҒОЛИБИ

“Ўзсаноатқурилишбанк” жорий йилнинг 15 ноябр куни “Central Asia Employer Brand Award – EMBRAS” (“EMBRAS – Марказий Осиё иш берувчилар бренди мукофоти”) қатнашчиларини тақдирлаш маросимида “Йил кашфиёти” номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Тошкентдаги Hyatt Regency Tashkent меҳмонхонасида йирик халқаро ва маҳаллий компаниялар, шу жумладан, тижорат банклари иштирокида бўлиб ўтган форум икки босқичда – “Employer Brand Summit” (Иш берувчилар бренди саммити)ни ўтказиш ҳамда “Central Asia Employer Brand Award” (Иш берувчилар бренди мукофоти)ни аниқлаш асосида бўлиб ўтди.

Саммит доирасида иштирокчилар ўз лойиҳалари тақдимотини ўтказди. Ходимларни бошқариш соҳасида муҳим тенденциялар бўйича халқаро экспертлар билан ўзаро фикр алмашишди. Бу борада турли мамалакатларда қўлланилаётган ва муваффақият келтираётган истиқболли лойиҳалар кенг муҳокама этилди.

Тадбир доирасида Марказий Осиё ва Европа ХР бўйича мустақил экспертларнинг фикрлари асосида “Central Asia Employer Brand Award” ғолиблари аниқланиб, улар “EMBRAS” мукофоти билан тақдирланди.



Унда “Ўзсаноатқурилишбанк” “Йил кашфиёти” номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Маълумот учун қайд этиш жоизки, “Central Asia Employer Brand Award” – бу бир неча тоифадаги Марказий Осиё иш берувчиларига компаниянинг меҳнат бозоридаги жозибadorлигини оширишга ҳисса қўшаётган энг илғор ходимларга бериладиган мукофот бўлиб, у қуйидаги номинацияларни ўз ичига олади:

- “Бизнес-натижа”;
- “Инновациялар”;
- “Хайрли ишлар”;
- “Иш берувчи имиж”;
- “Йил кашфиёти”;
- “Иқтидорларни ривожлантириш”.

“Ипотека-банк” АТИБ

халқаро “Central Asia Employer Brand Award” (“Иш берувчилар бренди мукофоти”)ни қўлга киритди.

Ушбу халқаро эътироф Марказий Осиёда барқарор тараққий этаётган ташкилотга берилади.



“ИПОТЕКА-БАНК” ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФДА

“Ипотека-банк” танловнинг 3 номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Булар “Хайрли ишлар”, “Иш берувчи имиж”, “Йил кашфиёти” лойиҳасидир. Жумладан, “Хайрли ишлар” номинациясига ҳаётда ўз ўрнини топмаган, қийналганларга нисбатан банк ходимларидаги меҳр-мурувват, раҳмдиллик ҳислатларининг иш фаолиятида намоён бўлиши ҳисобга олинди.

Танловда Makro, The Tower MMG, Lukoil, Beeline, Akfa каби юртимизнинг етакчи фирмалари ҳам иштирок этди.

finance.uz

ЯНГИЛИКЛАР ЯРАТИШДА БАРДАВОМ БАНК



(Бошланиши 1-саҳифада)

Тадбир аввалида, “Ипотек-банк” АТИБ тизимидаги халқаро пул ўтказмалар бўйича маълумотлар берилиб, банк томонидан яратилаётган қулайликлар хусусан, янги масофавий банк хизматлари билан аҳолини яқиндан таништириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Таъкидландики, жисмоний шахслар орқали Ўзбекистондан юборилган пул ўтказмаларининг асосий қисми Россия Федерациясига юборилган ўтказмаларга тўғри келмоқда. Шундан келиб чиқиб, банк томонидан мижозларга янги хизмат турларини жорий қилиш бўйича тегишли чора-тадбирлар олиб борилди.

Хусусан, жорий йилдан “Ипотека-банк” АТИБ тизимида Россия ва яқин хориз мамлакатлари доирасида пул ўтказмалари соҳасида етакчилардан бири – “Contact” халқаро пул ўтказмалари тизими ўз фаолиятини бошлади. Ушбу тизимни жорий қилишдан асосий мақсад МДХ давлатлари шу жумладан, Россия Федерациясига яшаб, меҳнат фаолиятларини юритиб келаётган минглаб ватандошларимиз ўз маблағларини Ўзбекистонга юборишга уларга қўшимча қулайлик яратишдан иборатдир.

Мазкур тизим жорий этилганидан сўнг, мижозлар учун қўшимча қулайлик яратиш мақсадида тизим доирасида акция эълон қилинди. Унинг мижозлар учун қулайлиги Ўзбекистондан Туркия давлатига “Contact” тизими орқали пул ўтказмалари учун комиссия миқдори ўтказма миқдорининг 0,95% ташкил қилишида бўлди.

Бунгача комиссия миқдори 1,2% миқдорида эди. Ушбу акция мижозлар ўртасида кенг оммалашиб, бу йўналишга пул ўтказмаларини юборишга бўлган талаб сезиларли даражада ошди. Сўнгра акция мижозлар учун янада қулайлаштирилиб, ўтказма учун комиссия миқдори 0,75% гача камайтирилди.

Бу акциялар “Золотая Корона” тизимини ҳам бефарқ қолдирмади. Натижада банк билан ҳамкорликда ушбу тизим орқали Туркия давлатига юборилган ўтказма учун комиссия миқдори 0,70% гача пасамайтирилди. Бу имконият эса, ўтказмалар ва мижозлар сонининг ортишига замин яратди.

Қайд этиш жоизки, халқаро пул ўтказмалари бўйича мижозларга яратилган энг катта имтиёз – жорий йил сентябрь ойидан “Ипотек-банк” АТИБ банкидан “Золотая Корона” тизими орқали Россия Федерациясига пул ўтказмалари учун комиссия миқдори 1,5% дан 1% га камайтирилиши бўлди.

Чунки “Ипотек-банк” АТИБ тизимида “Золотая Корона” тизими орқали юборилган умумий ўтказмаларнинг 70% миқдори айнан Россия Федерациясига юборилган ўтказмаларга тўғри келади. Айнан шу сабаб аксарият мижозлар бу соҳадаги банк хизматидан мамнун бўлиб, ўзларининг ташаккурларини билдирдилар.

Бундан ташқари яна бир янгиликни алоҳида таъкидлаш лозим. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарувнинг тегишли қарори билан банкда “Азия Экспресс” халқаро пул ўтказмалари тизи-

мини жорий қилиш юзасидан “Азия-Инвест Банк” Акциядорлик тижорат банки билан шартнома тузилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу тизим фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, тадбирда банк тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар бўйича ҳам маълумотлар берилди. Жумладан, 2019 йилнинг 10 ойи мобайнида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни кенгайтириш мақсадида Ипотека-банк томонидан жами 369 мингдан зиёд янги пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига жами муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 1 млн. 825 мингтага етди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 399 мингтага ёки 28 фоизга кўп деганидир. Ўрнатилган терминал ускуналари эса йил бошидан 16 341 тага ёки жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра уларнинг сони 43 923 донани ташкил этди.

Қолаверса, банк томонидан аҳолига қулайлик яратиш мақсадида жорий йилнинг 10 ойида қўшимча 297 та банккомат ускуналари харид қилиниб, шундан 136 таси ижтимоий аҳамиятга эга объектлар ва аҳоли гавжум жойларга ўрнатилди. 161 таси эса ҳозирда банк филиалларига ажратилмоқда. Йил охиригача эса, банк томонидан қўшимча яна 20 та Uzcard тизимининг банккоматларини худудларга жойлаштириш режалаштирилган.

Банк Ахборот хизмати



ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ НЕГА ТАЪМИНЛАНМАСДАН ҚОЛМОҚДА?

Сўнгги бир неча йиллар давомида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юри-тиш" рейтингига дунёнинг 190 та мамлакати орасида Ўзбекистон 146-ўриндан 72-ўринга кўтарилди.

"Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида мамлакатнинг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чоралар қўриш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 5 февралда "Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4160 сонли қарор қабул қилинди. Қарорда соҳаларга оид қатор ислохотларни амалга ошириш назарда тутилган.

Бироқ, амалиётда қурилишга рухсатномалар олишда, мулкни рўйхатдан ўтказишда ва ташқи савдо операцияларини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари дуч келадиган ортиқча бюрократик тартиб-таомиллар сабабли Ўзбекистон ҳанузгача "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида ўзининг муносиб ўрнини эгалламасдан қолмоқда.

Хусусан, "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботининг жорий йилги кўрсаткичларида мулкни рўйхатдан ўтказиш (74-ўриндан 72-ўринга) ва қурилишга рухсат бериш (134-ўриндан 132-ўринга) индикаторлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг рейтингини энг паст даражада ўзгарган индикаторлар бўлиб қолмоқда.

Ваҳоланки, мулкни рўйхатдан ўтказиш ва архитектура ва қурилиш соҳасига оид қатор бюрократик амалиётларни бартараф этиш ва давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган эди.

Бундан ташқари, ер участкаларини ажратиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига ула-нишда бюрократик тўсиқлар ва сан-салорликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участ-каларини бериш ҳамда архитектура-

қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4427-сонли қарори қабул қилинган.

Қарорда ер ажратиш, архитектура ва қурилиш ҳамда кўчмас-мулк об-ъектларини рўйхатдан ўтказишга оид қатор ислохотларни амалга ошириш назарда тутилган.

Шунга мувофиқ, 2019 йилнинг 1 ок-тябридан бошлаб, қурилиш объект-ларининг шахарсозлик ҳужжатларини мажбурий экспертиза қилиш талаби бекор қилинди (марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштири-ладиган қурилиш объектлари бундан мустасно);

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг бўлинмалари томони-дан лойиҳа-смета ҳужжатларининг ар-хитектура қисмини келишиш ҳамда объектнинг зилзилага бардошли-лиги ва ёнғин хавфсизлиги бўйича лойиҳавий ечимларини экспертиза қилиш бир вақтда амалга оширилиши; лойиҳа ташкилотлари томони-дан (муҳандислик-коммуникация тармоқлари ташкилотлари-дан ташқари) ишлаб чиқилган муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш қурилиш органлари томонидан бино, иншоот ва бошқа объектларнинг қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш жараёни билан бир вақтда амалга оширилиши белгиланди.

Юқорида кўрсатилган чора-тад-бирлар, республикада қурилиш-архитектура соҳасидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиши ва қулай инвестицион муҳит яратилишига катта кўмак бўлади.

Бироқ, бугунги кунга қадар юқорида қайд этилган Президент қарорлари ижроси таъминланмасдан қолмоқда. 2019 йилнинг 1 мартидан бошлаб

Кўчмас мулк объектларида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш тўғрисида хабарнома юбори-лиши ҳамда оммавий офертага фойда-ланувчи томонидан акцент қўйилиши кифоя бўлса-да, ваколатли давлат ор-ганлари – Қурилиш соҳасида назорат бўйича ҳудудий инспекциялари ама-лиётда "рухсатнома"ни номигагина

"хабарнома"га ўзгартирилган ҳамда бугунги кунга қадар қурилиш-монтаж ишлари бошланганлиги тўғрисида ха-барнома юборган тадбиркорлик субъ-ектларига оммавий оферта беришини қонун ҳужжатларига зид равишда рад қилиб келмоқдалар.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республи-каси Фуқаролик кодексига мувофиқ (367-модда) бир ёки бир неча му-айян шахсга юборилган, етарли дара-жада аниқ бўлган ва тақлифни кирит-ган шахснинг ўзини тақлиф йўлланган ва уни қабул қиладиган шахс билан шартнома тузган деб ҳисоблаш ния-тини ифода этадиган тақлиф оферта ҳисобланади.

Шунингдек, номуайян шахслар до-ирасига йўлланган реклама ва бошқа тақлифлар, агар тақлифда бошқача ҳол тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлмаса, офертага тақлиф этиш деб қаралади. Шартноманинг барча асо-сий шартларини ўз ичига олган, та-клиф киритаётган шахснинг жа-воб қайтарган ҳар қандай шахс бил-лан тақлифда кўрсатилган шартлар асосида шартнома тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган та-клиф оферта (оммавий оферта) ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг ПҚ-4427-сонли қарорида кўрсатилган вази-фалар ижроси ҳам қурилиш ва кадастр органлари томонидан таъминланмас-дан қолмоқда. Натижада эса тадбир-корлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича муурожаат этган ҳолларда асосиз рад этиш ҳолатлари учраб келмоқда.

Шу ўринда бир неча саволлар туғилади. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ҳамда Қурилиш соҳасида назорат бўйича ҳудудий ин-спекциялари бу каби ислохотларни қабул қилишга ва Президент қарорларида ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда ту-тилган чора-тадбирларни амалга оширишга тайёрми? Нега бугунги кунга қадар юқорида кўрсатилган қарорлардаги чора-тадбирлар ама-лиётга татбиқ этилмасдан қолмоқда? Қарорларнинг ижроси таъминланмас-лигидан ким манфаатдор ва қандай манфаат бор?

**С.Назаров,
Давлат хизматлари агентлиги
Тошкент шаҳар бошқармаси
Бош маслаҳатчиси
ЎЗА**

СТАТИСТИКА

10 ОЙДА 170 МИЛЛИОН ДОЛЛАР ИНВЕСТИЦИЯ ЎЗЛАШТИРИЛДИ

Ҳозир кунда Самарқанд вилоя-тида хорижий инве-стициялар иштирокида 500 дан ортиқ корхона ташкил этилган. Бир-гина, 2019 йилнинг ўтган 10 ойида 170 мил-лион АҚШ долларидан ортиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестиция-лар ўзлаштирилди.

Бу тўғрисида вилоят ҳокимлигининг ахборот хизмати маълум қилган.

Маълумотларга кўра, биригина Ургут эр-кин иқтисодий зона-сида 59 инвестор томо-нидан 228,4 миллион АҚШ долларилар 67 та лойиҳа ишга тушири-лиши ҳисобидан 4489 та янги иш ўрни яратилиб, 348 миллион АҚШ дол-ларилар маҳсулот иш-лаб чиқарилмоқда. Шун-дан 45 миллион АҚШ долларилар товарлар экспортга чиқарилиши белгиланган. Ҳозиргача 112,5 миллион АҚШ дол-лари сармоя киритилиб, 35 та лойиҳа ишга туши-рилди. Йилнинг ўтган 10 ойида мазкур кор-хоналарда 618 милли-ард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 19,1 миллион АҚШ доллар-лик товарлар экспортга чиқарилди.



Албатта, сармоя кири-тиш истагидаги тадбир-кор тайёр бинода ишлаб чиқаришни бошлашни истади. Шунинг учун вилоятдаги 2755 та бўш турган бинолар хатлов-дан ўтказилиб, хусусий мулкдорларга тегишли бўлган 1048 та объектни ишга тушириш учун қиймати 1 триллион 268 миллиард сўмлик инве-стиция лойиҳалари иш-лаб чиқилди. Ҳозиргача ушбу объектларда 378 миллиард сўмлик 495 та лойиҳа фойдала-нишга топширилиши ҳисобидан 2 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

finance.uz

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОСЛАШТИРИЛАДИ

Жорий йилнинг 31 октябры куни Ўзбекистон Президенти томонидан "Банк-молия соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унга кўра банк соҳасига кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг халқаро стандартларига мос замонавий усулларини жорий этиш мақсадида ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.



Қарор моҳиятини кенгрок шарҳлаш, келгусида ўқитиш тизимида қўйлаётган ўзгаришлардан воқиф бўлиш ниятида Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ректори Баҳриддин Бердияров билан суҳбатлашдик.

– Ҳурматли Баҳриддин Тавашарович, айтингчи, ушбу қарор доирасида Академия тизимида қандай ўзгаришлар кутилмоқда?

– Бугунги кунгача Академияда "магистр" даражасини берувчи магистратуранинг икки йиллик ўқув режалари бўйича олий таълим давлат стандартларига мувофиқ бошқарув кадрларини тайёрлаш, тўрт ойгача даврга мўлжалланган ва кадрларнинг буюртмачилари билан келишилган таълим дастурларига мувофиқ банк, молия ва солиқ тизимлари, шунингдек, иқтисодийётнинг реал сектори тармоқлари бошқарув кадрлари ва мутахассисларини, шу жумладан юқори лавозимларга кўтариш учун захирадаги раҳбар ходимларни қайта тайёрлаш, бир ойгача бўлган даврга мўлжалланган ва кадрларнинг буюртмачилари билан келишилган ўқув режалари ва дастурлари асосида манфаатдор вазириллар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг бошқарув кадрлари ва мутахассислари малакасини ошириш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Академияга бириктирилган мутахассисликлар бўйича, олий таълимдан кейинги икки даражали тизимга мувофиқ илмий даражали олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Банк, молия, солиқ тизими ҳамда иқтисодийётнинг реал сектори тармоқлари учун бошқарув кадрлари ва мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини ташкил этиш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, шунингдек, кўрсатилган соҳаларда илмий тадқиқотлар ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг асосий мақсади ҳисобланади.

Юқоридаги Қарордан келиб чиқиб Академия фаолиятини янада ривожлантириш, ўқитиш жараёнида илғор методлардан фойдаланган ҳолда ян-

гича ёндашувларни амалга ошириш, профессор-ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириб бориш, ривожланган мамлакатлар илғор тажрибаларини ўрганиб бориш ва уларни таълим жараёнида қўллаш, мустақил таълимга алоҳида эътибор қаратиш, тингловчиларни мунтазам ўз устида ишлашларини ташкил этиш каби вазифаларни амалга ошириб бормоғи лозим.

– Қарорда таъкидланган "банк ходимларини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг илғор халқаро тажрибасини жорий этиш"да нималар назарда тутилган? Бу банк ходимларининг салоҳияти ва тажрибасини махсус тестлар ёрдамида мониторинг қилиб боришни таъминлайдими?

– Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси жамоаси банк секторини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларда фаол иштирок этиши шубҳасиз, албатта. Қарорга кўра, банк соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг халқаро стандартларига мос замонавий усулларни жорий этиш мақсадида ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди. Академияда илмий салоҳияти юқори, соҳага оид дунёнинг ривожланган мамлакатлари илғор тажрибаларидан хабардор профессор-ўқитувчилар тингловчиларга билим бериб келмоқда. Академия жамоаси келгуси фаолият жараёнида Қарорда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун банк соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнида илғор халқаро амалиётни инobatга олган ҳолда замонавий усуллардан таълим жараёнида мунтазам фойдаланиб боришлари зарур.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими кадрлари салоҳиятини ривожлантиришда халқаро стандартларга ва илғор хорижий тажрибага асосланиб тижорат банкларининг бошқарув, ўрта ва қуйи бўғин ходимлари меҳнатига уларнинг малакаси, билими ва аниқ иш натижаларидан (KPI) келиб чиққан ҳолда ҳақ тўлашнинг бонусли тизимини жорий этиш ижобий самара беради. Қарорда ҳам айнан шу жиҳатлар кўзда тутилган.

– Эндиликда Банк-молия академияси "Ўзмиллийбанк" тасарруфига ўтказилиб, банк Академия таъсисчиси этиб белгиланди. "Ўзмиллийбанк" томонидан Академиянинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилар экан, бу ҳамкорликдаги фаолиятдан нималар кутилмоқда?

– Қарорда Ўзмиллийбанк 2020-2025 йилларда Академияни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиши белгиланди. Ушбу Концепция орқали Академиянинг халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингидagi олий таълим муассасалари рўйхатига киритилишини таъминлаган ҳолда унинг халқаро рейтингини босқичма-босқич ошириб бориш, етакчи хорижий бизнес-мактаблар ва корпоратив университетларнинг айнан бир хил дастурлари асосида банк-молия соҳаси мутахассисларини ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш, инвестиция фаолияти (Chartered Financial Analyst), хатарларни бошқариш (Financial Risk Manager), Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича молия ҳисоби (Association of Chartered Certified Accountants ва Chartered Public Accountant), ички аудит (Certified Internal Auditor), бошқарув ҳисоби (Certified Management Accountant) соҳаларида молия ходимларини халқаро профессионал сертификация имтиҳонларига тайёрлаш, республика ҳудудларидаги тижорат банкларининг филиаллари учун қисқа муддатли курслар, семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари, стажировкалар, сайёр ўқув модуллари ва бошқа тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш, инновацион таълим ва илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш, илмий-педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш доирасида хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш каби вазифаларни амалга ошириш масаласи кўзда тутилади.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби банк-молия соҳасида ҳам ислохотлар амалга оширилмоқда. Чунки шиддат билан давом этаётган ўзгаришлар шуни тақозо қилмоқда. Тижорат банкларида замонавий корпоратив бошқарув тамойиллари, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, фаолият самарадорлигини ва инвестициявий жозибadorлигини ошириш орқали уларнинг шаклини ўзгартириш борасидаги қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Банк-молия соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4503-сонли Қарори айнан шунга қаратилган.

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
суҳбатлашди.

НАТИЖА ШИРИН ШАҲРИДА ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР

Сирдарё вилояти Ширин шаҳрида ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, бошқарув, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, тиббиёт ва бошқа соҳаларида давлат ислохотлари имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришилаётир. Жумладан, бу ерда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида жорий йил январь-сентябрь якуни бўйича асосий макроиқтисодий кўрсаткичларда ўсиш суръатларига эришилди.


Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1 942,7 млрд. сўм ёки ўтган йилнинг мос давrigа нисбатан ўсиш суръати 119,0 % ни, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми 58,4 млрд. сўм, ўсиш суръати 115,4% ни, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 693,7 млрд. сўм, ўсиш суръати 1750,0% ни, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми 22,8 млрд. сўм, ўсиш суръати 107,1% ни, чакана товар айланмаси ҳажми 27,8 млрд. сўм, ўсиш суръати 101,9 % ни, хизматлар жами ҳажми 24,1 млрд. сўм, ўтган йилнинг мос давrigа нисбатан ўсиш суръати 109,1% ни ташкил қилди.

Шу билан бирга шаҳар КТЯДР (корхона ва ташкилотлар ягона давлат реестри)да жорий йилнинг 1 октябры санасига рўйхатдан ўтган жами хўжалик юритувчи субъектлар сони 295 тани, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 272 тани, кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари сони (деҳқон-фермер хўжаликлари)дан ташқари 228 тани, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 207 тани ташкил этиб, 1 октябры ҳолатига янги ташкил этилган корхоналар сони 45 тага етди (шундан кичик бизнес субъектлари 40 та). Айниқса, хусусий тадбиркорларга банклар томонидан микрокредитлар ажратилаётгани ва ўз навбатида ишбилармонлар турли ишлаб чиқариш корхоналарини ишга туширганлари ҳисобига шаҳримиз иқтисодий жиҳатдан ривожланиши кўзга ташланмоқда.

Н. НОРҚЎЗИЕВА,
Ширин шаҳар статистика бўлими бош мутахассиси

“ТУРОНБАНК” КРЕДИТЛАРИ ЭВАЗИГА ГАЗОБЕТОН ВА ТЕМИР БЕТОН ЗАВОДИ ИШ БОШЛАЙДИ

Бугун юртимизда бунёдкорлик ишлари тобора кенг кулоч ёйиб, янги бино ва иншоотлар, кўп қаватли турар жойлар, маданий-маиший объектлар қад ростламоқда. Замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиляпти. Табиийки, қурилиш қанчалик кўпайса, бинокорлик ашёларига талаб ҳам шунчалик ортади. Ушбу эҳтиёжни қондириш учун эса, қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, замонавий архитектура талабларига жавоб берувчи, енгил ва зилзилабардош, инновацион қурилиш материалларини маҳаллийлаштириш, ушбу соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳимдир.



Реклама ўрнида

Айниқса, энг замонавий, мукамал, узоқ йиллар давомида сифатли хизмат қиладиган иншоотларни барпо этишда эса, газобетон ва темир бетон маҳсулотларининг ўрни аҳамиятли. Ўзининг 29 йиллигини нишонлаган “Туронбанк” АТБ бу жараёнларда фаол иштирок этиб, барча тармоқлар қатори энергия тежамкор қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни мақсад қилган ташаббускорларни ҳам молиявий қўллаб – қувватлаб келмоқда.

Бунга мисол қилиб, Навоий вилояти Навоий шаҳрида ҳудудни иқтисодий – ижтимоий ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилаётган газобетон ва темир бетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш заводини ташкил этиш лойиҳасини келтиришимиз мумкин. “Zarafshan Golden Group” МЧЖ томонидан илгари сурилган ташаббуснинг умумий қиймати 10,7 млн. АҚШ доллари бўлиб, “Туронбанк” АТБ томонидан биринчи босқичда 10,7 млрд. сўм ва иккинчи босқичда 6,8 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи ажратилган. Бу молиявий кўмак реконструкция ва қурилиш ишларини амалга ошириш, асбоб – ускуналар ва махсус техникалар харид қилиш каби эҳтиёжлар учун сарфланиши режалаштирилган. Технологиялар эса, Хитой ва Германия давлатларидан олиб келинади.

2020 йил ишга тушиши кўзда тутилётган завод 35 минг 700 донга темир бетон ва 150 минг метр куб газоблок маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. У нафақат Навоий вилояти балки қўшни шаҳарларни ҳам сифатли ва чидамли қурилиш маҳсулотлари билан таъминлаб бериши турган гап.

“Муболағасиз айтишим мумкинки, бизнинг маҳсулотларимиз қурилиш ишлари сифати ва самарадорлигини кескин ошириб, қурилиш – монтаж жараёнлари қийматини бир неча баравар камайтиришга кўмаклашади. Қишнинг қаҳратонини, ёзнинг жазирамасида ҳам ўз мустақамлигини йўқотмайди. Аҳамиятлиси, улар сейсмик жиҳатдан ҳам ишончли бўлади. Сўнгги ҳисоб – китобларимизга кўра, 100га яқин янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Улар асосан шу ҳудудда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли бўлиши кўзда тутилмоқда. Бу ишларни йўлга қўйишимизда албатта “Туронбанк” АТБнинг молиявий кўмаги катта аҳамиятга эга бўлди”, – деди “Zarafshan Golden Group” компанияси раҳбари Улуғбек Файzieв.

Корхона раҳбарининг сўзларига кўра, келгусида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини янада кенгайтириб, импорт ўрнини босувчи қурилиш материаллар сонини кўпайтириш ҳам режалаштирилмоқда. Бу эса, кенг қўламда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари давомида сифатни ошириб, турар – жойларнинг таннаҳини мақбуллаштиришга кўмаклашади.

Аслида ҳам давлатимиз раҳбари ҳар бир йиғилишда илгари сураётган фикрлари мана шу. Хориждан олиб келинадиган товарларни маҳаллийлаштириш, номенклатурани кенгайтириб, маҳаллий бозорларда уларнинг тури ва ҳажмини ортириб боришдир. Бу жараёнларда эса “Туронбанк” АТБ ўзининг сифатли ва тезкор хизматлари билан фаол иштирок этмоқда.

Бугунги кунда картадан картага пулни он-лайн тарзда ўтказиш жуда қулай ва тезкор, пул маблағларни қисқа вақт ичида узоқ масофага жўнатишга имкон берувчи хизматдир.



“ИПАК ЙЎЛИ” БАНКИ VISA VA UNIONPAY КАРТАЛАРИ ОРҚАЛИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ХИЗМАТИНИ ЖОРИЙ ҚИЛДИ

Аммо, агарда яқинларингизда UzCard ва Humo миллий тўлов тизимларида ишлайдагилар карталар бўлмаса-чи? Банкка бориш ва пул ўтказишга на вақтингиз, на имконингиз бўлса-чи? Унда энг осон ва самарали ечим – пул маблағларни халқаро тўлов тизим орқали ўтказиш.

Ўз миқдорларига қулайлик яратиш ва уларнинг вақтларини тежаш мақсадида “Ипак Йўли” банки янги хизматни жорий қилди – “Ipak Yo'li Mobile” мобил иловаси ёрдамида VISA ва UnionPay халқаро тўлов ти-

зимлари орқали пул маблағларни ўтказиш. Энди банкнинг миқозлари унинг ёрдамида пуллари ўз яқинларига тез, қулай ва осон ўтказишлари мумкин.

Мазкур хизматдан фойдаланишни истаганлар учун муҳим маълумот: бу хизмат фақат “Ипак Йўли” банки томонидан чиқарилган карталари орқали амалга оширилади ва ундан фақат банкнинг тасдиқланган миқозлари фойдаланишлари мумкин. Хизмат учун комиссия миқдори – ўтказма қийматидан атиги 0,5%.

finance.uz

ТУРИЗМ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармониға мувофиқ, Юртбошимизнинг туризм тармоғини ривожлантириш, шу жумладан, бугунги кун стандартлари ва талабларига жавоб берадиган замонавий меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситаларини қуриш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, республикада меҳмонхона хўжалигини ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида, Ўзмиллийбанк томонидан қатор лойиҳалар молиялаштириб келинмоқда.

Хусусан, жорий йил “МУНАВВАТ ХАҲРИ САХОВАТ” МЧЖга меҳмонхоналар тармоғини ташкил этиш учун банк томонидан 10,0 млрд.сўм миқдорида 5 йил муддатга узоқ муддатли кредит маблағи ажратилди. Олинган кредит эвазига, мазкур МЧЖ томонидан “Poykent Bukhara” бренди остида фаолият юртувчи тармоғи ташкил этилди. Меҳмонхоналар Бухоро вилоятининг энг машҳур зиёратгоҳларидан бири бўлган Етти пир қадамжолари йўналиши, яъни, Шофиркон тумани “Ҳожа Ориф Моҳиئابон зиёратгоҳи”, Вобкент тумани “Ҳожа Маҳмуд Анжир Фағнавий зиёратгоҳи”, Когон тумани “Ҳазрати Миркулло зиёратгоҳи”, Когон тумани “Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбандий зиёратгоҳи” ҳудудларида ташкил этилган.



Зиёратгоҳларга ташриф буюрувчиларнинг аксарияти чет эллик тадқиқотчилар ҳисобланади. Уларнинг таъкидлашича, қадамжолар ҳудудида меҳмонхоналар ташкил этилгани айни муддао бўлди. Сабаби, ҳар куни Бухоро шаҳридан келиб-кейтиш баъзи қийинчиликларни туғдирган. Эндиликда улар мазкур меҳмонхоналарда яшаб, ҳеч қандай қийинчиликсиз тадқиқотларини амалга ошириш имконига эга бўладилар. Таъкидлаш керакки, ҳар бир меҳмонхона 1 кунда 200 дан ортиқ ҳудудлардан ташриф буюрган зиёратчилар ҳамда сайёҳларга хизмат кўрсатиш салоҳиятига эга.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзмиллийбанк томонидан молиялаштирилаётган мана шундай лойиҳалар, мамлакатда туризмни миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантиришда катта ҳисса қўшмоқда.

“SUZANE” – МИЛЛИЙ БРЕНДИ ЖАҲОН БОЗОРИДА

Ички бозоримиз маҳаллий сифатли маҳсулотлар билан бойиса, четга экспорт қиладиган товарлар ҳажми ортса, давлатимизнинг иқтисодий салоҳияти янада ўсади. Натижада халқ фаровонлиги яхшиланади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Халқ бой бўлса, давлат қудратли ва бой бўлади.” Бу учун эса, янги иш бошлаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш даркор.



“Ўзсаноатқурилишбанк” ҳам бу йўналишда қатор хайрли ишларни амалга ошириб, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, корхоналарни модернизациялаш ва янги технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, банк ушбу соҳа субъектларига 5 трлн. 306 млрд. сўм ҳажмида кредит ажратган. Булардан 146,7 млн. АҚШ доллари бевосита хорижий кредит линияларига тўғри келмоқда.

Хусусан, пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги “Pergament Quality Exclusive” МЧЖ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг молиявий кўмагида Германиянинг “Olbrich GmbH” компаниясидан илғор технологиялар ва ускуналарни харид қилиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Яқинда ушбу гулқоғоз ишлаб чиқариш корхонасига банк томонидан пресс-тур ташкил этилиб, ОАВ ходимлари корхонанинг иш жараёни билан яқиндан танишишди.

Юртимизда қурилиш ишлари жадал кетаётган бир пайтда қурилиш маҳсулотларнинг ўзимизда ишлаб чиқиши аҳоли ва тадбиркорлар маблағларини иқтисод қилишга кўмак беради. Қурилатган биноларнинг нархи тушишига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу эса, ҳар нарсанинг энгилни кидирувчи халқимизга қўл келади. Хонадон ишхоналарнинг кўркини очувчи гулқоғозларнинг бу борада ўз ўрни бор.

100.000 кв.метр майдонга эга корхона барпо этиш, жиҳозлаш ва зарур хомашё билан таъминлаш мақсадида 10 млн. Евро миқдоридан ошиқ маблағ сарф этилган. Бунда банкнинг улуши 6 млн. Еврога тўғри келди. Корхона нафақат ички бозорни ўз маҳсулоти

билан қопламоқда, балки хориж бозорларига ҳам ўз маҳсулотларини чиқармоқда. Жумладан, Марказий Осиё ва Ҳиндистон корхонанинг бугунги кундаги экспортёрлари бўлиб, йил бошидан буён 1 млн. 800 минг АҚШ долларилик маҳсулот четга экспорт қилинган.



Корхонада четдан олиб келинган сифатли қоғозга иккита рельефли босма технологияси орқали 0,53 x 10,05 метр, 1,06 x 10,05 метр ва 1,06 x 25,05 метр ҳажмдаги ранго-ранг гулқоғозлар босилади. Ишлаб чиқаришда Германиянинг Sugravo GmbH, Италиянинг Andreotti ҳамда Буюк Британиянинг LaserFlex компанияларнинг технологиялари қўлланилади. Европа стандартларига кўра ишлаётган корхона экологик жиҳатдан юқори кўрсаткичга эга. Яъни у атроф-муҳитга зарарли чиқиндиларни чиқармайди. Ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифатига кўра корхона 2018 йил охирида ISO 9001:2015 сертификатини олган.

– “Suzane” сифат маркали Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу корхона ўтган йилнинг ёзида ишга туширилиб, корхона томонидан йилига 3 турдаги 2 млн. 640 минг ўрам гулқоғоз ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотларимиз сифати Европа ишлаб чиқарувчилариники билан бир хил бўлганига қарамай, бозорга чет элликдан икки бараваргача арзон нархда етказиб берилмоқда – дейди корхона таъсисчиси Аваз Ғайбуллаев.

Айни дамда корхонада фаолият кўрсатаётган 130 нафар ишчи-ҳодимларнинг 70 фоизини ёшлар ташкил қилади. Янги ғояларни яратувчи дизайнер ёшлар ҳам компьютер технологиялари асосида янги гулқоғоз турларини кашф қилмоқда.

Европа андозалари асосида сифатли флезилин асосидаги ванил қоғозларига туширилган ранго-ранг гулқоғозлар мазмун ва шаклидан келиб чиқиб офис, хонадон ва турли биноларга мўлжалланган бўлиб, бугунги кунда уларнинг бозори чаққон.

Шу ўринда флезилин асосидаги ванил гулқоғозларга тўхталсак. Бу маҳсулот 10 йилдан ортиқ муддатга хизмат қилиб, қайта ишланган пишиқ материал ва флезилиннинг эгилув-

чан хусусиятига эга. У ДСП, ёғоч, штукатурка, гипскартон ёки бетон деворга, ҳар қандай сиртга ёпиштириш учун мўлжалланган, ювиш мумкин бўлган ишончли қопламадир. Гулқоғозлар деворнинг нотекислиги ва нуқсонларини осонгина беркитади. Етарлича ёруғлик(қуёш нарлари)га бардош бера олади ва алмаштирганда осонлик билан сиртдан сидирилади.

– Корхона келгусида 2020 йилга қадар ўз ишлаб чиқариш қувватини 2 бараварга оширувчи янги иккинчи линияни ҳам ишга туширишни режалаштирмоқда, – дейди корхона директори Фарид Абдршин. – Шунингдек, корхона харидорлар истеъмол даражасидан келиб чиқиб, маҳсулот таннархини тушириш йўл-йўриқларини ҳам ўрганмоқда.

Ҳар йили ички бозорга четдан 10-12 млн. ўрама (рулон) гулқоғозлари кириб келаркан. “Suzane” ўзбек бренди ишга туширилганидан сўнг, ички бозорга 5-6 млн. ўрам гулқоғозлар етказиб берилмоқда. Келгусида корхона янги инновацион ғояларни ишга солиб, маҳсулот ҳажми ва сифатини оширган ҳолда нафақат Ўзбекистон бозорида, балки жаҳон бозорида ҳам муносиб ўрнини олишга интилмоқда.

Умида ХУДАЙБЕРГАНОВА

ЭЪТИРОФ

“S&P GLOBAL RATINGS” АГЕНТЛИГИ РЕЙТИНГИ

“S&P Global Ratings” халқаро рейтинг агентлиги 2019 йил 14 ноябрдан бошлаб “Orient finance bank” ХАТБнинг узоқ муддатли рейтингини эълон қилди.



“Orient finance bank” ХАТБнинг молиявий кўрсаткичлари юқорилиги, кредитнинг ўсиш суръати ўрта даражадалиги банкнинг капитали кўпайишига олиб келган ҳамда бу кўрсаткичлар рейтингда банкни юқори поғонага кўтарган.

Шуни таъкидлаш кераки, 2019 йил январда “S&P Global Ratings” халқаро рейтинг агентлиги томонидан “Orient finance bank” ХАТБ “Барқарор” кўрсаткичидан “Ижобий” кўрсаткич меъёрларида қайтадан кўриб чиқилди.

Агентлик банкнинг юқори молиявий кўрсаткичлари туфайли “В-” дан “В” гача ва рейтингнинг ўзгариши прогнози билан “В” даражасида қисқа муддатли рейтингни тасдиқлади.


Агар “Orient finance bank” ХАТБ ўзининг фондлашиш кўрсаткичларини жорий поғонада ушлаб турса, капитал бошқарув сиёсати талабларига риоя қилиб, бизнес ўсиш суръатлари муҳим кредитлар йўқолишига олиб келмаса, банк келгуси 12-18 ой ичида “Ижобий” кўрсаткичда қолади.

finance.uz



ЯНГИ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФОНД АҚШ ВА ХИТОЙГА МУНОСИБ ЖАВОБ ҚАЙТАРАДИ

Янги ташкилот ўз сармояларини технологик лойиҳаларга киритиш ниятида. Англиянинг Balderton Capital венчур компанияси 400 миллион АҚШ долларилек янги фондни ишга туширишни режалаштирган. Мазкур фонд Европадаги технологик лойиҳаларни бошланғич босқичда қўллаб-қувватлашни мақсад қилган.



Balderton Capital маълумотиға кўра, фонд йилига тахминан 12 марта инвестиция киритади.

Аниқланишича, Европа техник тармоғи ўзининг АҚШ ва Хитойдаги ҳамкасбларига нисбатан ортда қолмоқда, айниқса венчурли капитал борасида шундай ҳолат кузатилмоқда. Сўнгги вақтларда бундай вазият Европа ҳукуматини жиддий ташвишга солиб қўйганди.

Айни пайтда, эксперт ва инвесторлар фикрига кўра, бу соҳа етарли даражада ўсиш салоҳиятига эга.

Бошқа бир венчур фирма ҳисобланган Atomico тадқиқотлари шуни кўрсатдики, ўтган йили Европада технологик компанияларнинг бирламчи оммавий эълони АҚШга нисбатан икки баробар кўп бўлган. Хусусан, 2018 йилда йирик IPO лойиҳаси Голландиядаги Adyen тўлов тизими томонидан тақдим этилган бўлиб, тақдимотдан сўнг унинг акциялари 50 фоизга ўсди. Balderton Бош ҳамкори Ларс Фьелдсо-Нильсен CNBCга берган интервьюсида таъкидлашича, Европа

АҚШнинг Facebook ва Google, Хитойнинг Alibaba ва Tencent сингари йирик онлайн платформалари билан муносиб даражада рақобатлаша оладиган лойиҳаларига эга.

“Биз жуда ҳам ортда қолиб кетаяпмиз, деб ўйламайман, – дейди Uberнинг собиқ раҳбари. – Мен Baldertonга келгунга қадар АҚШ да 10 йил меҳнат қилдим. Менинг ҳозирги танловим ҳам биз ортда қолганимизни аңлатади”.

Бироқ унинг қўшимча қилишича, Европада Америкадаги рақобатчиларга нисбатан арзон баҳоланадиган компаниялар ишлаб келмоқда. Аммо ишбилармоннинг фикрига кўра, бунинг сабаби ижара ва яшаш учун харажатлар “нисбатан кам”лиги билан боғлиқ. Фьелдс-Нильсеннинг айтишича, айнан Америка инвесторларининг Европадаги хусусий технологик тармоғига бўлган қизиқиши Baldertonни янги фонд ташкил этишга ундади.

“Аслида АҚШнинг кўплаб фондлари Европада ҳам инвестиция киритаётганини кўраёпмиз, сабаби техник компанияларнинг салоҳияти, даражаси Американикидан паст эмас, – деди у. – Бунинг устига уларнинг нархи арзон эканлиги уларнинг жозибдорлигини оширмоқда”.

Очиғини айтганда, CNBC таъкидлашича, бу борада ҳам айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас: АҚШда технологик лойиҳаларнинг барчаси ҳам муваффақиятли фаолият юрита олмапти, жумладан уларнинг орасида илгари Нильсен бошқарган Uber ҳам бор.

The Economic Times нашрида қайд этилишича, Россия, Ҳиндистон ва Хитой АҚШ томонидан чеклов қўйилган мамлакатлар билан савдо ишларини соддалаштириш мақсадида SWIFT банклараро тизимига муқобил тизим яратмоқчи.

РОССИЯ, ҲИНДИСТОН ВА ХИТОЙ “SWIFT” БАНКЛАРАРО ТИЗИМИГА МУҚОБИЛ ТИЗИМ ЯРАТАДИ

Нашрда келтирилган маълумотларга кўра, молиявий хабарномаларни жўнатиш Россия тизими (МХЖТ) ҳинд ва хитой молиявий платформалар билан бирлаштирилади. Хусусан, МХЖТ Хитойнинг Трансчегаравий банклараро тўлов тизими (CIPS) билан жипслашади. Ҳиндистон ҳозирча бундай имкониятга эга эмас, бироқ Нью Деҳли ўзига тегишли тизимни Россия Банки платформасига улаш ниятида.

Янги платформанинг хомаки талқинига кўра, у тўловлар тўғрисидаги хабарларни бир шаклдан бошқа шаклга қайта кодлаштиради. Бундай қарорга ҳар бир мамлакат ўзига қулай деб ҳисоблаган платформада бошлаши мақсадида келинган.

SWIFT ўрнини босувчи тизимни ташкил этиш масаласига оид навбатдаги муҳокама Бразилияда шу кунларда ўтказилаётган БРИКСга аъзо мамлакатларининг раҳбарлари учрашувида бўлиб ўтади.

ЯПОНИЯ БАНКЛАРИ ДАРОМАДИ КАМАЙДИ

Япониянинг йирик банкларидан ҳисобланмиш Mitsubishi UFJ Financial Group (MUFG) ва Sumitomo Mitsui Financial Group жорий йилнинг II чорагида фойдани қисқартирди.

Жумладан, Япониядаги активлари ҳажмига кўра энг йирик банклардан бири MUFG уч ойлик соф фойдани (30 сентябрь ҳолатига кўра) 35 фоизга, яъни 218,9 миллиард иена (2 миллиард АҚШ доллари) қисқартирди. Бу ҳақида Bloomberg агентлиги банкнинг ярим йиллик кўрсаткичларига оид эълон қилган маълумотномасида келтирилган.

Ириклиги бўйича Япониянинг иккинчи банки ҳисобланмиш Sumitomo Mitsui соф фойдаси ҳисобот даврида 12 фоиз, яъни 216,2 миллиард иена (2 миллиард АҚШ доллари) камайди.

MUFG сингари Sumitomo

Mitsuiда ҳам сўнгги чоракда ишончсиз кредитлар бўйича харажатлар ортган. Айни пайтда иккала банклар жорий молиявий йилда ўзининг мақсадли кўрсаткичларини ўз кучида қолдирди.

MUFG йил якунига кўра (2020 йил 31 мартда якунига етади) фойда тахминан 3 фоиз, яъни 900 миллиард иенага ортишига умид билдирмоқда. SMFG эса йиллик даромади 700 миллиард иена, яъни ўтган молиявий йилга нисбатан 3,7 фоиз паст кўрсаткичга тенг бўлишини тахмин қилмоқда.

MUFG акциялари ўтган ҳафта чоршанба кuni ўтказилган савдо ақунлари бўйича деярли 1 фоиз арзонлашган бўлса, Sumitomo Mitsuiда бу кўрсаткич 0,3 фоизга тўғри келди.

АМЕРИКАЛИК “БОЙВАЧЧА”ЛАР СОЛИҚСИЗ ҲИСОБИ РЕКОРД ДАРАЖАДА

Хайрия ишлари билан боғлиқ турли схемалар бадавлат инсон ва компанияларга давлат бюджетига тўланадиган харажатларни камайтиришга олиб келади.

Америка Миллий хайрия фонди (NPT)нинг ҳар аънавий 13 – ҳисоботида қайд этилишича, 2018 йилда фондларга солиқлардан ҳимояланган 37 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ келиб тушган. 2017 йилга нисбатан 20,1 фоиз ўсиш кузатилиши натижасида DAF (Donor advised funds) ташкилоти ҳисобрақаида рекорд даражадаги маблағ – 121,4 миллиард АҚШ доллари йиғилди. Айни пайтда ушбу ҳисобрақамдан хайрия ташкилотларига ўтказиб бериладиган улуш 2017 йилда 22,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу улуш 20,9 фоизга тушиб қолди. Шу билан бирга, сўнгги беш йилда кириталаётган бадал пулларининг ўсиш суръатининг ортishi ажратиладиган грантлар миқдори кўпайишига олиб келаётган эди.

DAF – бу расман муассислар эмас,



балки ихтисослаштирилган профессионал ташкилотлар томонидан бошқариладиган, бироқ муассис бошқарув жараёнига исталган вақтда аралашуш ҳуқуқини берувчи фондлар ҳисобланади. DAFнинг шахсий ҳисобрақамларига NPT сингари хайрия ташкилотлари, Fidelity Investments сингари молиявий компаниялар бўлиналари, шунингдек тор доирадаги ихтисослаштирилган хайрия ташкилотлари ва жамоат фондларидан маблағлар туширилади. Бу асо-

сан (жисмоний шахс ва корпорациялар) хайрия маблағлари, мерослар улуши, шунингдек турли ташкилотларнинг эсдалик совғаларидир. Совға тариқасида давлат облигациялари ёки акциялар, хусусий мулк ва ҳатто криптовалюта тақдим этилган тақдирда донор фондлар ушбу активларни сотишади ва ушбу маблағ саховатпеша инсон ёки ташкилот ҳисобидан эканлиги қайд этилади. Ҳисобрақамлар эгалари пуллар сармоя шаклида тақсимланиши ёки йўқлигини ўзлари ҳал этади ва бу пуллар грантлар шаклида йўналтирилаётганича солиқ ундирилмасдан туради.

Солиқ ислохотлари доирасида DAF бозорининг машҳурлиги ҳам кескин ўсди, дейди DAFнинг 8,1 миллиард АҚШ долларлик ҳисобварақларини бошқарувчи, NPT Бош ижрочи директори Эйлин Хейсман.

Ташкил этилган ҳисобрақамлар сони рекорд даражага етди, яъни 2018 йилда 55 фоиз ортди. 2017 йилда унинг ҳажми 60 фоиз ўсганди. Бунга сабаб, айрим иш берувчилар ўз ҳодимларига маошининг муайян қисmini DAF ҳисобрақаида жойлаштириш

бўйича таклиф бергани билан боғлиқ бўлди.

Хейсманнинг фикрига кўра, аксарият ҳомийлар таъсир кўрсатувчи сармоялар (ижтимоий мақсаддаги сармоялар)га кўпроқ мурожаат қилмоқда. Уларнинг айримлари, шу жумладан NPT ва Fidelity Charitable Бостонда жойлашган Cap Shift компанияси билан биргаликда ишламоқда. Бу компанияни эса Fidelity Management & Researchнинг собиқ президенти бошқармоқда. Cap Shift DAFга йўналтирилган инвестицияларни таклиф этмоқда. “Бу алоҳида грантларни кутмасдан балки барча капитал фойда келтиришини аңлатади”, – дейди Хейсман.

Айни пайтда Хейсман хавотирли бир ҳолатга эътибор қаратмоқда: хайрия мақсадида йўналтирилаётган маблағлар ҳажми ортаётганлигига қарамай, тадқиқотлар натижасига кўра, 2000 йилга нисбатан 2016 йилда тахминан 20 миллионга яқин оилаларга камроқ пул ажратишган.

“Ханузгача талафотлардан сўнг қайта тикланаётган, бойлик тўплай олмаётган ва хайрия мақсадида ажрата олиш даражасида қўшимча маблағга эга бўлолмаётган одамлар учраб турибди. Шундай қилиб, айрим трендлар биз истаганимиздек ижобий бўла олмапти”, – дейди Хейсман.

MOODY'S 142 МАМЛАКАТ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИГА ОИД САЛБИЙ БАШОРАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Moody's халқаро рейтинг агентлиги 2020 йил учун тузган молиявий барқарорлик бўйича рейтингда 142 та мамлакатга нисбатан баҳони "барқарор"дан "салбий"га ўзгартирган.

"2020 йил учун қилинган башоратнинг "барқарор"дан "салбий"га ўзгариши Moody'sнинг яқин 12-18 ойда суверен рейтингларни рағбатлантириш мақсадида фундаментал шароитлар яхшиланиш умидига учкун бағишлайди. Мураккаб ва қутилмаган ички сийёсий ва геосийёсий шароит ЯИМ ўсишининг босқичма-босқич сустлашига сабаб бўлмоқда", – дейилади агентлик ҳужжатида.

Агентлик геосийёсий зиддият таъсирининг энг ёрқин намунаси савдо соҳасида кузатилаётгани, асосан АҚШ ва Хитой ўртасидаги кураш оқибатида юзага келаётганини маълум қилди.

"Умуман олганда биз баҳолаётган 142 суверен мамлакат учун глобал шароит борган сари башорат қилиб бўлмайдиган бўлиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби 63,3 триллион АҚШ долларилик қопланмаган қарзлардир. Таваккалчилик ортмоқда, бу эса капиталлар оқимидаги ўзгаришларга таҳдид тудирмоқда", – дея таъкидлайди агентлик мутахассислари.

Moody's ўз ҳисоботида таваккалчилик даражаси юқори ва 2020 йилда алоҳида кузатиладиган мамлакатлар харитасини тузиб олди. Шундай қилиб, агентлик қуйидаги мамлакатларда геосийёсий таваккалчилик даражаси юқорилигини маълум қилди:

Туркия, Сурия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Саудия Арабистони ва Яман. Савдо уруши таваккалчилиги АҚШ, Хитой, Корея, Япония, Буюк Британия, шунингдек Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳам юқорилиги қайд этилмоқда.

Бу қарор бошқа мамлакатлар томонидан валюта ҳамда технологиялар бозорини мувофиқлаштиришга оид қарор қабул қилинишига туртки сифатида хизмат қилиши мумкин.

Яқинда Хитой рақамли валютаси муомалага киритилишига оид янгиликни CNBCга Foxconn Technology Group томонидан қўллаб-қувватланаётган HCM Capital инвестициявий фирмасининг бошқарувчи ҳамкори маълум қилди.

Жек Лининг маълум қилишича, Хитойда DCEP номли электрон тўлов тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у Хитой Халқ банки, банк инфратузилмалари ҳамда Alipay ва We Chat Pay сингари бошқа тўлов тизимларининг ҳозирги тармоқлари бирлашувидан ташкил топган тизим бўлади.

"Шундоқ ҳам уларда аллақачон тизим ва тармоқ бор эди. Ишга тушиш маросими ҳақида тез орада, балки икки-уч ойлар давомида хабар топамиз, деган умиддаман", – дейди Ли Сингапурда ўтказилган Fin Tech фестивалида. Айни пайтда ишга тушириш ишлари синов тариқасида амалга оширилиши маълум қилинмоқда.

Жек Ли Хитойнинг DCEPда криптография ва блокчейн технологиясининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланишини таъкидлади: улар орасида паст даражадаги узилтишлар ва хавфсизлик сингари имкониятлар мавжуд. Бу эса фақатгина ХХРнинг тўлов тизимини кучайтиради, дейди Ли ўз суҳбатиди. У рақамли валютанинг жорий этилиши Хитой МБга пулларнинг кўчирилишига оид назоратини кучайтирилишига хизмат қилишига тўхталди.

HCM Capital раҳбари айтишича, ХХБ аллақачон банкнотларнинг



ХИТОЙ ЎЗИНИНГ РАҚАМЛИ ВАЛЮТАСИНИ ЧИҚАРИШ ҲАРАКАТИДА

серия рақамларини кузатишни бошлаб юборган. Блокчейн эса, фақатгина унинг имкониятларини кенгайтиради.

Аввалроқ "Вести экономика" ("Иқтисодиёт хабарлари") нашрида ёзилганидек, октябрь ойида ХХР Давлат валютасини назорат қилиш бошқармаси (SAFE) бошлиғи ўринбораси Лю Лэй Шанхайдаги форумда рақамли молия асрида рақобатбардошликка муносив жавоб бериш мақсадида Пекин трансгеаравий молиялаштириш ва ҳисоб-китобда блокчейн технологияси ва сунъий ақлдан фойдаланиш сари илдам қадам ташлаётганини таъкидлаган. Бундан ҳам аввалроқ ХХР Раиси Си Цзиньпин ҳам технологик инновация ва трансформация саноатидаги янги босқичда блокчейн технологияси муҳим аҳамиятга эгалигини қайд этган ва бу соҳани янада ривожлантириш мақсадида бор куч-ғайратни сафарбар қилишга ундаган эди.

CNBC таъкидлашича, айрим мутахассислар виртуал валюталар фарибгарлик таваккалчилигини ошириши, айниқса пулларни ноқонуний айлантириш ва терроризмни молиялаштиришни кучайтириб юбориши мумкин.

Айни пайтда аксарият мамлакатлар ханузгача бу соҳани тартибга солиш бўйича аниқ қарорларни қабул қилмаган.

CNBCга Швейцариянинг халқаро молиялар бўйича давлат котиби Даниелла Стоффелнинг маълум қилишича, уни Хитойнинг режалари ажаблантирмайпти ва бу мамлакатдан бошқа давлатлар ўрнатқ олишига ишонч билдирмоқда.

"Агар ҳукуматлар ва ниҳоят ҳозирда нималар юз бераётганини тўлиқ англаб етадиган бўлса, электрон валюталар қандай масала ва қақирқларни ўзида мужассамлаштиргани чин бўлса, умид қиламанки, бу борада глобал даражада ўзгариш бўлиши муқаррар", – деди у.

Айтганча, айнан Швейцария Хитойдан ортада қолмай келмоқда. "Вести Экономика" нашрида ёзилганидек, бир йил аввал мамлакатнинг фонд биржаси криптовалюталар билан боғлиқ амалиётлар учун янги бозор инфратузилмасини ташкил этишига доир режаларини маълум қилганди. Ўтган ойда Швейцария МБ биржа билан муносабат ўрнатаётгани, савдода криптовалютадан фойдаланиш истиқболларини ўрганаётганини қайд этганди.

UBS томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, сўнгги 5 йил ичида миллиардлик бойликка эга инсонлар сафи яна 589 нафар янги бойлар билан тўлди.

Ўтган йили аксарият давлат инсонларнинг банкдаги ҳисобрақамлари бўйича сезиларли даражадаги зарба берилган бўлса-да, уларнинг сони ортишда давом этмоқда, дейилади UBSнинг янги тадқиқоти ҳулосасида. UBSнинг 2019 йил учун тайёрлаган Billionaire Insights ҳисоботида кўра, бугунги кунда жаҳон бўйича 2101 нафар миллиардер бор бўлиб, бу эса беш йил аввалгидан 589 нафар (ёки 38,9 фоиз) кўп дегани. Ҳисобот 2013–2018 йилларни қамраб олган. Ўтган беш йилликда миллиардерларнинг умумий бойлиги қарийб уч баробар (34,5 фоиз) ортган ва 8,5 триллион АҚШ долларига етган.

Швейцария банки мутахассислари аниқлашича, беш йил орасида миллиардерларнинг умумий бойлиги "жудаям кучли АҚШ доллари, савдо музокаралари, иқтисодий ўсишнинг сустлашиши бўйича хавотирлар ва молиявий бозорнинг беқарорлиги боис" илк марта 2018 йилда бироз камайди. Бироқ шунга қарамай, миллиардлик активлар 2013 йилдан бошлаб 2,2 триллион АҚШ долларига кўпайди.

Аниқланишича, америкалик миллиардерлар 2018 йилда пулини йўқотмаган ягона инсонларга айланди, аксинча уларнинг бойликлари 1 фоиз кўпайди. Йил охири ҳолатига кўра, ҳудудда 749 нафар миллиардерлар умумий қиймати 3,6 триллион АҚШ долларилик маблағга эга.

МИЛЛИАРДЕРЛАР САФИ 40 ФОИЗГА КЎПАЙДИ



Бироқ миллиардерлар концентрацияси юқори ҳудуд Осиё-Тинч океани ҳудуди ҳисобланди. Умумий қиймати 2,5 триллион АҚШ доллариллик бойликка эга 754 нафар миллиардерлар жаҳон миллиардер аҳлининг 36 фоизига тенгдир.

Айни пайтда Хитойда ҳудуднинг 43 фоиз, Ҳиндистонда 14 фоиз, Гонконгда 9 фоиз, Японияда эса 4 фоиз миллиардерлари истиқомат қилади.

Европада, Яқин Шарқ ва Африкада ўтган йили миллиардерлар сони 5 фоиз, яъни 598 нафар қисқарди,

уларнинг умумий бойлиги 2,4 триллион АҚШ долларига тенг эди.


Ҳисоботда, шунингдек бу қатордан ўрин эгаллаган аёллар сони салмоқли даражада ортаётгани қайд этилган. Бугунги кунда жаҳон бўйича 233 нафар, яъни 2013 йилга нисбатан 46 фоиз кўп аёл миллиардерлар (ўша йиллари уларнинг сони 160 та эди) мавжуд. Уларнинг ўсиш кўрсаткичи эркакларга нисбатан юқори бўлмоқда. Ўтган беш йилда эркак миллиардерлар сони 39 фоизга ортган.

Қайд этиш лозим, аёл ишбилармонлар сафи асосан Осиёда кўпайган.

"Осиё маданиятига кўра ханузгача эркаклар устунликка эга бўлса-да қитъада аёл миллиардерлар сафи сўнгги беш йилда қарийб икки баробар ортгани қувонарлидир", – дейди ҳисобот ҳаммуаллифларидан бири Жулия Леонг.

ХТТБ ЎЗБЕКИСТОНГА \$500 МЛН ҚАРЗ АЖРАТАДИ

2019 йил 19 июлда давлатимиз ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида ярим миллиард АҚШ доллари миқдоридаги Қарз битими имзоланган (13.11.2019 йилдаги ПҚ-4521-сон қарорга қаранг).




Қарзни сўндириш муддати 5 йиллик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда – 30 йил. Ажратиладиган қарз Жаҳон банки иштирокида “Ўзбекистонда бозор ислохотларини қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида республика бюджети харажатларини молиялаштириш учун йўналтирилади.

Молия вазирлиги лойиҳанинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, ХТТБ томонидан ажратиладиган қарздан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан масъул ҳисобланади. Марказий банк, Давлат статистика қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги лойиҳани амалга ошириш агентлари ҳисобланади.

Қарзни сўндириш, фоизлар, комиссиялар ва бошқа тўловлар Ўзбекистон республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

ЕР УЧАСТКАЛАРИ ОЛИБ ҚЎЙИЛИШИ ВА КОМПЕНСАЦИЯ БЕРИШ ИШЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ШЎЪБАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Қарорга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида Ер участкалари олиб қўйилиши ва компенсация бериш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси ташкил этилди.



Шўъбага қуйидаги вазифалар юклатилди:

- бузиладиган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш учун етарли ресурслар (маблағлар, ер участкаси ва бошқа мулк) мавжудлигини ўрганиш;
- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгашига киритиш учун бўлажак қурилиш объектнинг лойиҳа ҳужжатларини тақдимот материаллари шаклида тайёрлаш;
- олиб қўйилиши режалаштирилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорлари билан очиқ муҳокамани ташкил этиш;
- ер участкаси олиб қўйилиши ташаббускори ва кўчмас мулк объект-

лари мулкдорлари ўртасида тузилган, компенсация миқдори, тури ва бериш муддати назарда тутилган келишувлар ҳисобини юритиш;

– компенсациялар ўз вақтида ва тўлиқ берилишининг доимий мониторингини олиб бориш;

– ер участкалари олиб қўйилиши, компенсация берилиши, кўчмас мулк объектлари бузилиши, шунингдек, олиб қўйилган ер участкасида олиб борилаётган қурилиш-монтаж ишлари ҳақида Вазирлар Маҳкамасига маълумотлар киритиб бориш.

Зарур ҳолларда туман (шаҳар) ҳокимликларида ер участкалари олиб қўйилиши ва компенсация бериш ишлари бўйича бош мутахассис лавозими киритилиши мумкин.

7.11.2019 йилдаги “Кўп қаватли уйларни бошқариш тўғрисида”ги ЎРҚ-581-сон Қонун эълон қилинди. Қонун нормалари айрим туман ва шаҳарларда дастлабки синовдан ўтказилади, кейин эса тузатишлар киритилиши мумкин ва шундан кейингина улар кучга киради.

Бу ҳужжат ушбу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатининг учинчи версияси ҳисобланади: биринчи қонун 1999 йилда, иккинчиси – 2006 йилда қабул қилинган эди. Тўпланиб қолган муаммолар – ХУМШ ва УКХ ташкилотлари ҳамкорлигининг сустлиги, кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланишда комплекс ёндашувнинг ҳамда уни бут сақланишини таъминлаш устидан назоратнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан таъмирлаш-тиклаш ишлари муддатлари ва қоидаларининг бузилиши кабилар қонун чиқарувчилар томонидан қонун қайта кўриб чиқилишини тақозо этди.

Янги қонун устида ишлаш анча вақт талаб этди. Қонун лойиҳаси жамоатчиликка бир йилча олдин тақдим этилган эди. Лойиҳа экспертлар давраларида муҳокама қилинди, маҳаллий ва хорижий мутахассислар билан маслаҳатлашилди, бундан кейин эса билдирилган фикрлар, эътирозлар ва таклифлар ҳисобга олиниб, ҳужжатга тузатишлар киритилди.

Қонуннинг янги тахрири амалдагисидан қандай фарқланади:

Биринчидан, унда айрим аталарга (“кўп қаватли уй” ва бошқалар) таърифлар берилган,

ЯНГИ ҚОНУН: АВВАЛ СИНАЛАДИ – КЕЙИН ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ



уйларга туташ ҳудудларга муносабатлар ва бошқа умумий қоидалар янада батафсил тартибга солинган;

Иккинчидан, бир тарафдан, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан соҳани мувофиқлаштириш йўналишлари ва Уй-жой фонди инспекциясининг назорат ваколатлари, бошқа тарафдан эса уй-жойлар мулкдорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилди. Кўп қаватли уйларнинг бошқарув органларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастаклари кўпайтирилди – авария ҳолатларини тугатишда ҳамда соҳа учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда кўмаклашиш шулар жумласига киритилди;

Учинчидан, тартиб-таомилларга оид масалаларга – кўп қаватли уйларни бошқариш усули танлаш ва ўзгартириш тартибига, бундай шаклларнинг ҳар бирининг жиҳатларига – бино мулк-

дорлари, бошқарувчи ташкилотлар ёки бошқарувчи ёхуд ХУМШ томонидан бевосита бошқарув (ҳар бир шаклга алоҳида боб бағишланган); **тўртинчидан**, маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари белгиланди. Жойлардаги ҳокимият органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига кўп қаватли уйларни бошқарувчи органларнинг ишига аралаштириш тақиқланди. Банк кредитларини олишда ҳокимиятлар кафил бўлиши мумкинлиги белгиланди. Субъектлар кўп қаватли уйларга туташ ҳудудларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш ва бошқа масалалар юзасидан ташкилотлар билан ҳамкорлик қиладилар.

Уй-жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулк таъминоти, ундан фойдаланиш ва таъмирлаш, туташ ҳудудларни ободонлаштириш

бўйича бадаллари ёки тўловларига тааллуқли қисмида концептуал ўзгартиришлар киритилмаган. Уларнинг миқдори ҳозиргидек, умумий йиғилиш қарори билан белгиланади, харажатлар таркибини белгилаш тартиби Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тасдиқланади. Илгари вазирлик ҳар йили бадалларнинг энг кам миқдорини тасдиқлаш ҳақида айтилган эди, бироқ ушбу механизмни амалга ошириш жараёнида муаммолар юзга келди.

Қонун 2020 йил 1 августдан кучга киради. Бу ўзгартиришларни бирданига амалиётга киритмаслик, авваламб улар қанчалик ўринли эканлигини кузатишга қарор қилинганлиги билан боғлиқдир. 2020 йил 1 майгача янги қонун нормалари ишларини синаб кўриш учун Тошкент шаҳрининг Яққасарой туманида, шунингдек Жиззах ва Марғилонда ҳуқуқий эксперимент ўтказилади. Унинг якунларига кўра 2020 йил 1 июнгача ҳужжат такомиллаштирилишига зарурат бор-йўқлиги ва республиканинг бошқа ҳудудларида қандай қўлланилиши белгиланади.

Эслатиб ўтамиз, жорий йил бошидан пойтахтнинг Юнусобод туманида кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш бўйича тажриба ўтказилмоқда. Тажриба доирасида барча ваколатлар профессионал бошқарув компанияларига берилган. Тажриба давомида юзга келган муаммолар жиҳатларини “Норма” газетасининг махсус муҳбири Ирина Гребенюк шарҳлади.

ИБН СИНО БЕШИГИДАН ЎҒИРЛАНГАН ЁПИНЧИҚ

Абу Али ибн Сино гўдаклигида хонадонга босқинчи кириб, бешиги устидаги зарҳал ёпинчиқни ўғирлаб кетишган. Орадан 20 йиллар ўтгач, узоқ шаҳарда юрган Ибн Сино ўша кимсани учратиб, ёқасига чанг солади. "Сен гўдаклик пайтимда уйимизга бостириб кириб, бешигим устидаги зарҳал ёпинчиқни ўғирлагансан", дея қозихонага судрайди. Ҳалиги киши аввалига ҳеч

нарсани эслай олмайди. Ниҳоят, суриштирув натижасида у киши йигирма йиллар муқаддам аскарликка ёлланиб, Бухорога боргани, ўша ерда сафдошлари билан тинч аҳолининг уйлари таллаганини тан олади.

Айтмоқчи, буюк аллома 6 ёшидаёқ Курьони Каримни хатм қилган, яъни тўла ёд олганини билсангиз керак.

ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР

Азалдан қимматбаҳо тошлар турли хил хусусияти билан одамларни ўзига ошуфта қилиб келади. Шунингдек, жаҳоҳирлар инсоният тамаддуни даражасини белгилаб келган. Бугунги кунда дунёда тўрт мингдан кўп минераллар маълум. Барча қимматбаҳо тошлар механик шаклда эмас, балки қўл кучи билан қазиб олинади ва ишлов берилади.

Ажабланоқлиси, ҳар йили ўнлаб янги минерал турлари кашф қилиниб, бир нечтаси "ёпилади", яъни бундай минерал мавжуд эмаслиги исботланади. Содда қилиб айтганда, бу соҳадаги илмлар, тадқиқотлар амалий жараён билан кечади. Ибтидоий жамо тузуми давридаёқ қимматбаҳо тошлар ўзаро савдосотиқ ва бозор муносабатларида асосий восита бўлиб, пул ўрнида ҳам ишлатилган. Албатта, бу бежизга эмас. Чунки, қимматбаҳо тошларнинг безак бериш хусусиятидан ташқари, улар тиббиётда ҳам кенг ишлатила бошланган.

Қимматбаҳо тошлар ва уларнинг хусусиятлари тўғрисида жуда кўп асарлар ёзилган. Ана шундай асарлардан бири Абу Райҳон Берунийнинг "Жаҳоҳирот" рисоласидир. Аллома бу асарида жаҳоҳирларнинг қиймати ва уларнинг соҳиблари ҳақида ҳам сўз юритган.

Умуман олганда, қимматбаҳо тошлар ўзининг турли хил хусусиятига кўра қадрланади. Масалан, тилла баъзан пул ўрнидаги қийматни белгилашдан ташқари киши организми учун ҳам фойдали экани исботланган. Чунки, тилла асабни мўътадиллаштириб, хотира ва ақлий қувватни мустаҳкамлайди, юрак мушакларини бақувват қилиб, унинг ишлаш қobiliyatини кучайтиради. Шунингдек, у ўпка ва жигарнинг беҳоллигида ҳам фойда беради, танага ички ҳарорат бағишлайди, вужудни иситади.

Яна жаҳоҳирлардан кумушнинг ҳам ўз қадри бор. Кумуш азалдан эл ичида ардоқланган. Одамларнинг кумуш идишлар ишлатиши бежиз эмас. Чунки у турли микробларга қирон келтиради. Айрим кишилар кумуш идишларда сув сақлашади. Айниқса, ҳарбий сафарларда лашкарбошилар ўзлари билан кумуш анжомлар, кумуш туморчалар олиб юришган. Чунки, бу қимматбаҳо металллар жангчиларни ярадор бўлганда инфекциялардан ҳимоя қилган. Шунингдек, кумуш ашёлар ошқозон ва ўпка хасталикларининг олдини олиш учун ҳам тақилади. Ҳакимларнинг таъкидлашича, кумуш юракка қувват беради, кўзни равшан қилади.

Энди олмос ҳақида маълумот бериб ўтамиз. Қизил олмос – ўз оиласининг энг қимматбаҳо вакили ҳамда дунёдаги энг қимматбаҳо тош. Инсониятнинг бутун тарихи давомида ушбу минералнинг бор-йўғи бир нечта нусхаси топилган ва уларнинг кўпчилиги жуда кичик – 0,5 каратдан ҳам камроқ вазнга эга. Рангли олмосларнинг ягона кони Австралиянинг Аргайл конида жойлашган, у ерда ҳар йили бундай тошлардан саноқли миқдорда қазиб олишади. Вазни 0,1 каратдан ортиқ бўлган тошлар, одатда, фақат кимошди савдоларида пайдо бўлади, у ерда бир каратнинг нархи 1 миллион АҚШ долларидан ошади. Олмос ўзига хос жозибали ва қувватли тош бўлиб, юракка

мадор беради, танани озиклантиради. Буни қарангки, қизил олмос салқинлик берувчи хусусиятига эга экан. Шунингдек, у руҳни сокинлаштириб ва қон айланишини яхшилабди. Рангсиз олмос эса тана ҳароратини анчагина мувофиқлаштириб, асабни тинчлантирар экан. Агар олмосни кечаси бир стакан сувга солиб қўйиб, эртасига шу сувдан ичилса кишига шодлик бахш этиб, унинг ёшартириш хусусияти ҳам намоён бўлар экан. Барча топилган олмосларнинг 90 фоизи саноатда фойдаланилади, фақатгина 10 фоизи заргарлик дўконларига боради, ҳолос. Қисқаси, олмос – биргина кимёвий элемент – углероддан иборат бўлган, ягона қимматбаҳо тош.

Чиройли товланадиган қимматбаҳо минераллардан бири – зумраднинг ҳам бир қанча хусусиятлари бор. Жумладан, у заргарлик, пичоқчилик, кандакорлик ва бошқа амалий санъат турларида кенг қўлланади. Бундан ташқари уйқусизликдан сақлайди, фикрни чархлайди. Маълумот учун айтиш жоизки, ўртача ҳисобда, Колумбияда топилган бир қирот (карат) зумрадга 20 тонна қайта ишланган тупроқ тўғри келади. Дунёда "қизил зумрад" ҳам мавжуд. Аслида эса, у – бериллнинг қизил рангдаги тури – биксбидир. У эса ўта камёб минерал бўлиб, фақат АҚШда топилади.

Қизиги шундаки, зумрад вафо тимсоли бўлиб, нопок кимсаларга ёки синовдан ўтмаган беғоналарга бериб юборилса, ўз-ўзидан ёрилиб кетар экан.

Дарвоқе, ёқут ҳақида ҳам турли қизиқарли фактлар бор. Хусусан чумоли ёқутини чумоли инлари олдида топилган мумкин экан. Чунки чумолилар ин қуриш пайтида бу минерал кристалларини ернинг устки қатламига ташлашар экан. Ёқутларнинг 95 фоизи сунъий равишда жилолантирилади. Бунда фақатгина ҳақиқатан ҳам катта ва ўта чиройли табиий ёқут тошларга ишлов берилмайди, ҳолос. Лекин, ёқут ва сапфир – бир хил минерал. Бу тошлар орасидаги фарқ уларнинг рангидадир. Швейцарияда "Christies" кимошди уйи Цейлоннинг "Blue Belle of Asia" ("Осиёнинг мовий гўзали") сапфирини (зангори ёки кўкиш ёқут) 18 миллион АҚШ долларига сотди. Дунёнинг энг қимматбаҳо тошининг янги эгасининг исми ошкор этилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон оммавий ахборот воситалари материалларининг салмоқли қисмини қимматбаҳо тошлар савдоси ва у билан боғлиқ миш-мишлар, можаролар ташкил қилади. Бу бежизга эмас. Чунки, кишилик жамияти мавжуд экан, қимматбаҳо тошлар жозибаси ва бошқа хусусиятлари билан одамлар эътиборини ўзига тортаверади.

Ислом МҮМИН

МУЛОҲАЗА

МУОМАЛАСИ БИЛАН АЗИЗДИР ИНСОН

Олимларнинг ҳисоблашича, бир кеча-кундузда инсон кўзи кўрганни плёнкага туширса, шунинг ўзига 19 километр плёнка кетар экан. Шундан агар ўзаро мулоқотга киришганларини ҳисобласа қанча вақт кетади? Инсоннинг истейдодига, муомаласига қараб, бу кўрсаткич ортиб бориши мумкин.

Тарихда бир марта кўрган одамиини ҳеч қачон унутмайдиган, умрининг ҳар лаҳзасини эслай оладиган иқтидорли кишилар ҳам кўп бўлган. Хусусан, кўплаб буюк бобокалонларимиз кучли қуввайи ҳофизалари билан барчада ҳайрат уйғотишган. Уларнинг ютуғи шундаки, шунга мувофиқ улар гўзал муомала соҳиблари ҳам бўлишган. Гўзал муомала қилишга биздан ҳеч қанча вақт ёки маблағ талаб қилинмайди-ку. Бор-йўғи тилимизни ширин қилиш кифоя.

Инсоният яралганига миллион йиллар бўлса-да, киши мулоқотга эҳтиёж сезади. Бир-биров билан муносабат ўрнатишда мулоқотнинг аҳамияти каттадир. Бироқ мулоқотдан мулоқотни фарқи бор. Оғзига келганини гапириш, ўйланмасдан бировни дилини оғритиб қўйиш ҳеч гапмас.

Нима гапираётганини ўйлаб, сабр билан мулоҳаза қилиб гапириш муомала дейилади. Муомалани, биз аввало оилада ўрганамиз. Онанинг алласидан, оиладаги гаплашиш меъёрларидан болада муомала шаклланади. Кейин боғчадаги тартиб-интизом, сўзлашиш қоидалари бевосита болага таъсир қилади.

Мактаб оstonасига келганда болада озми-кўпми муомала маданияти шаклланган бўлади. Эндilikда ўқитувчилар мурғак қалбларга муомала уруғларини сепади. Ўқитувчининг ҳар бир гапи бола хотирасида шаклланиб боради. Каттага ҳурмат, кичикка иззат каби фазилатлар шу мактаб муҳитида шаклланади ва ривожланади.

Муомала маданиятининг шаклланишида ўзбек халқининг маталлари, эртақ ва ривоятларининг ўрни беқиёс. Эртақлардаги воқеалар, турли муносабатлар болажонларнинг атроф-муҳитга бўлган муносабатини ривожлантиради. Эртақ сўнггида ёмон феъллилар жазо, ижобий феълли кишилар мукофот олишида ўзига хос тарбиявий аҳамият бор.

Ўқитувчи давр, замон ҳақида ўқувчиларнинг фикрларини ўрганиб, уларни тўғри йўналишга солиб юбориши керак бўлади. Масалан, салбий ҳолатлардан тамаки чекиш – тақдир қилишдан пайдо бўлади. Айниқса ўсмирларда бу иллатга қизиқиш юқори. Бу каби салбий ҳолатлар юзасидан болалар билан суҳбатлашиб, улардаги нотўғри тушунчаларни тўғрилаш ҳам биз педогогларнинг ишидир.

Масалан, бошланғич синфларда болаларда ёлғон гапириш иллатлари бўлади. Болажонлар билиб-билмай қийаётган ишларини мисоллар ёки эртақ қаҳрамонлари орқали тўғрилаш керак бўлади.

Муомала маданияти, аввало тўғри саломлашиш, ҳол сўрашишдан бошланади. Чала-ярим салом беришлар, кетиш олди-дан кўпол хайрлашиш ҳам муомала маданиятини тўлиқ билмасликдан далолатдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, муомала маданиятига биз ўқитувчилар билан биргаликда ота-оналар ҳам бирдек масъулдир.

Нигора УСМАНХАДЖАЕВА,
Қўқон шаҳар, 41-сон мактаб
ўқитувчиси

Жорий йил аввалида ўтказилган MWC 2019 кўргазмаси доирасида тақдироти бўлиб ўтган илк Huawei Mate X нинг сотуви шу пайтга қадар бошланмаган эди. Ўтган ҳафтада савдоси йўлга қўйилган Huawei Mate X Хитой вақти билан 10:08 да сотилиши бошланган бўлса, (нархи 16 999 юань (2400 АҚШ доллари) га тенг бўлса-да) бир дақиқадаёқ биринчи партия смартфонлар сотиб бўлинди.

Бу партияда нечта қурилма бўлганлиги номалум. Бироқ бир ҳафтадан сўнг Mate X нинг янги партияси сотувга қўйилади. Шунингдек, харидорларга экранни бир марта 50 фоизлик чегирма асосида алмаштириб бериш имконияти тақдим этилади. Ҳозирча Huawei Mate X фақатгина Хитойда сотилмоқда. Халқаро бозорга чиқиш ёки чиқмаслиги мавжумлигича қолмоқда. Mate X нинг беш дақиқадаёқ сотиб бўлинган Samsung Galaxy Fold рақобатчиси бор. Бундан ташқари, яқин келажакда Mate X да яна бир рақобатчи юзага келиши мумкин. Гап йиғиладиган Motorolarazg смартфонни ҳақида кетаяпти, бу телефон Осиё ҳудудидаги бозорларда 2020 йилда пайдо бўлиши кутилмоқда. Huawei Mate X 5G бир кристалли платформа ҳисобланмиш Kirin 980 асосида яратилган бўлиб, Balong 5000 модеми билан тўлдирилган. Kirin 990 асосида ишлаб чиқилган смартфоннинг янги талқини март ойда тақдим этилиши режалаштирилган.

ЙИҒИЛУВЧИ “HUAWEI MATE X” ЖУДА ҚИСКА ФУРСАТДА СОТИБ БЎЛИНДИ



Унинг номи Mate Xs бўлади.

Samsung компанияси Galaxy Fold букилувчан смартфонни боис муваффақиятни қўлдан бой берганидан сўнг Huawei узоқ вақт Mate Xни тақдим этишни четга сурди. Яқинда Mate X дисплейнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълум бўлди. Дисплей унга узоқ вақт хизмат қилиши ва қўшимча ҳимоя қатламига эга бўлиши билан ажралиб туради. Mate Xнинг 8 дюймли экранни кундалик фойдаланиш оқибатида тилиниши ва турли чизиқлар тушиши эҳтимоли катта. Шу боис ишлаб чиқарувчи дисплейни Жанубий Кореядаги Kolon Industries томонидан ишлаб чиқилган шаффоф полимид қатлами билан таъминлаган.

Таъкидланишича, ўзининг юқори ҳароратга чидамлилиги ва зарбларга бардошлилиги билан ажралиб турувчи қатламнинг мавжудлиги смартфон эгаларига йиғиш давомида экранга зарар тегишидан хавотирланмасликка ундайди. Бунга ўхшаш ҳимоя қатлами биринчилардан бўлиб ишлаб чиқарилган Royale қурилмаси, шунингдек Samsung Galaxy Foldнинг янгиланган талқинида ишлатилган.

Интернет материаллари асосида
Саодат СОДИҚОВА тайёрлади.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, “БАНК АХБОРОТНОМАСИ” ВА “БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ” ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Сиз газетлага обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz орқали шартномани тўлдириб, тахририят манзилига юборишингиз мумкин.

“Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” агент-

лигининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат тахририят билан шартнома тузган хусусий ташкилотлар билан обунани тақдир этиш йил давомида газеталаримизни ўз вақтида олишингизни кафолатлайди.

ХУСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

- Қорақалпоғистон Республикаси
“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)
 Хоразм вилояти
“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)
 Бухоро вилояти
“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)
 Жиззах вилояти
“MATBUOT TONGI” МЧЖ – (91-599-58-98)
 Навоий вилояти
“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)
 Қашқадарё вилояти
“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)
 Наманган вилояти
“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)
“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (90-532-93-39)
 Сирдарё вилояти
“СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ” – (97-277-27-72)
 Сурхондарё вилояти
“SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)
 Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти
“KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)
“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)
“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (71-244-19-63)
“ТОШКЕНТ МАТБУОТ” – (97-156-22-77)
 Самарқанд вилояти
“ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ” – (97-922-02-33)
 Фарғона вилояти
“ФАЗО ИНФО” МЧЖ – (90-560-55-95)
“САЙЁР 2017” МЧЖ – (99-990-61-01)

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Банк, бизнес ва иқтисодиёт
соҳаларига доир батафсил
маълумотларни фақат
бизнинг газетамиздан ўқиш
мумкинлигини унутманг!

Обуна бўйича
муружаат учун

Тел.:
(998) 97 776 60 18
71 234 43 18
Факс:
(998) 71-234-43-18.
E-mail:
info@banknews.uz

ОБУНА
ИНДЕКСИ-102



БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Директор
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

Бош мухаррир
Бобур МУҲАММАДИЕВ

Бош мухаррир ўринбосари
Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
Обуна ва реклама учун
Тел: 99897 776 60 18
71 234 43 18
Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

Ахборот кўмаги
Ўза, “Norma Hamkor” МЧЖ

Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси,
23-уй e-mail: bankakhborotnomasi@mail.ru,
www.banknews.uz телеграм каналимиз
@bank_akhborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи: “Moliya yangiliklari agentligi”
МЧЖ

Газета тахририятнинг техник ускуналарида
саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни қўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба куни чиқади.

Буюртма № г 1103
Адади 1710 нуска
Нархи шартнома асосида.
Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табокда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 13.11.2019 й.,
1 2 3 4 5 6

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.